

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03./30.12.2019. Тар.02.10 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАТТИЕВ УТКИР БЕГМАТДУЛОБОВИЧ

**ХІХ АСР ЎРТАЛАРИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА
АФҒОН ФУҚАРОЛАРИ ТАРИХИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Маттиев Уткир Бегматдулобович

XIX аср ўрталари – XX аср бошларида Туркистонда афғон фуқаролари тарихи 3

Маттиев Уткир Бегматдулобович

История афганских граждан в Туркестане в середине XIX – начале XX вв..... 23

Mattiyev Utkir Begmatdulobovich

History of Afghan citizens in Turkestan in the mid - XIX and early XX centuries 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03./30.12.2019. Тар.02.10 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАТТИЕВ УТКИР БЕГМАТДУЛОБОВИЧ

**ХІХ АСР ЎРТАЛАРИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА
АФҒОН ФУҚАРОЛАРИ ТАРИХИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2021.1 PhD/Таг664 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (resume) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эргашев Бахтияр Эргашевич
тарих фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Хаитов Шодмон Аҳмадович
тарих фанлари доктори, профессор

Холиқова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD. 03./30.12.2019. Таp.02.10 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (99866) 239-11-40, (99866) 239-18-92; Факс: (99866) 239-11-40. E-mail: rector@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (99866) 239-11-40, (99866) 239-18-92; Факс: (99866) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

М.М.Исхаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори, профессор

О.Ж.Ирискулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

И.М.Саидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган сиёсий жараёнлар ва халқлар тақдирига таъсир кўрсатувчи бир қатор иқтисодий, диний, экологик омиллар миллатларнинг ўзга мамлакатларга миграцияларини келтириб чиқармоқда. Геосиёсий ўзгаришлар дунё мамлакатлари таркибининг миллий ва конфессионал жиҳатдан хилма-хиллашувига, халқлар таркибида кам сонли диаспораларнинг пайдо бўлишига асос бўлмоқда. Миграциялар ривожланиш учун хизмат қилиш билан биргалликда, оммавий маданиятнинг салбий кўринишларини ўзида акс эттириб, миллатлар ўртасидаги тарихан шаклланиб келган умумий турмуш тарзига, урф-одат ва анъаналарга эга халқларнинг ўзаро ҳамкорлигини, кўчишлар натижасида юзага келадиган маданий алмашинувларни муайян даражада чекланишига сабаб бўлмоқда. Шу боисдан, ҳозирги глобаллашув жараёнида миграциялар сабабли пайдо бўлган миллий озчиликни ташкил қилувчи халқлар тарихи ва анъаналарини қадрлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё илм – фанида аҳолининг ўзга мамлакатларга кўчиш сабаблари ва шакллари, уларнинг мазмун-моҳиятини, муҳожир халқлар фаолиятини тарихий меросга таянган ҳолда ўрганиш юзасидан кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда¹. Шу жумладан, муаммо юзасидан ЦИСА (Центр изучения современного Афганистана,(Россия), GESAI (Международная ассоциация изучения Афганистана,(Армения), ЦИС БСВ (Центр изучения стран Ближнего и Среднего Востока,(Россия), BIAS (Британский институт афганских исследований,(Буюк Британия), DAA (Deutsche Arbeitsgemeinschaft Afghanistan, (Германия), Моррисон-Надсен (АҚШ) каби илмий тадқиқот марказлари кўчишлар натижасида бошқа халқлар таркибига киришга мажбур бўлган этносларнинг маданий меъросини тадқиқ этиш, уларнинг бошқарув аппарати ва маҳаллий аҳоли билан ўзаро муносабатларига дахлдор ўз ечимини топмаган бир қатор масалаларни ўрганишни давом эттираётганлиги муаммо юзасидан кенг қамровли тадқиқотлар ўтказиш эҳтиёжини юзага келтиради.

Янгиланаётган Ўзбекистоннинг барча соҳа ислоҳотларида, жумладан, миллатлараро муносабат сиёсатида халқлар ва элатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш воситасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга эътибор кучаймоқда. Миллий озчиликни ташкил қилувчи халқлар маданий эҳтиёжини қондириш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳарда миллий маданий марказлар ташкил қилинмоқда². Ўтмиш тарихдаги Ўзбекистон ҳудудидаги давлатларнинг қўшни мамлакатлар, жумладан, “Марказий Осиёнинг ажралмас қисми”³ ҳисобланган Афғонистон билан тарихий алоқалари негизига

¹1972 йил 16 ноябрда ЮНЕСКОнинг 17 сессиясида қабул қилинган “Жаҳон халқлари хотираси” дастури мазкур тадқиқотларни амалга ошириш учун асосий “йўл харитаси” вазифасини бажармоқда. www/google.ru.

²Маданият марказлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги 264- сон қарорига илова. Google.uz.

³Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ 72- сессиясида сўзлаган нутқи.Халқ сўзи газетаси.2020 йил 24- сентябрь.№202(7704).

асосланган тинчлик ва тенглик руҳиятидаги ҳамкорликни давом эттиришда давлатимизнинг миллатлараро сиёсати долзарб аҳамият касб этади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан дўстона муносабати афғон халқи ва жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди. Шу боисдан, ҳамкорлик алоқалари учун истиқболли режалар ишлаб чиқишда тарихий алоқадорликка дахлдор тадқиқотлар олиб бориш, миллатлараро муносабатлар тарихига доир илмий изланишлар ўтказиш диссертациянинг заруратини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” V банди, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ва ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сон “Миллатларо муносабат соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастури устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот жараёнида муаммога оид адабиётлар 4 қисмга бўлиб таҳлил қилинди. 1.Россия империяси даври тарихшунослиги 2.Совет даври тадқиқотлари 3.Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган илмий изланишлар 4. Хорижий тадқиқотлар. Муаммонинг тарихшунослик ва манбашунослик таҳлили диссертациянинг биринчи бобида амалга оширилган.

Ушбу тадқиқотларда асосан XIX асрнинг ўрталари – XX аср бошларидаги афғон фуқаролари миграцияси, унинг келиб чиқиш сабаблари, бунга таъсир кўрсатган ички ҳамда ташқи омиллар каби қатор масалалар юзасидан аниқ фикрлар билдирилмасдан, мавзуга яқин жиҳатлар келтириб ўтилган ёки бошқа мақсадларда амалга оширилган тадқиқотларда кичик бир объектлар, иккинчи даражали масалалар сифатида қаралган. Бироқ Туркистонда афғон фуқароларининг пайдо бўлиши сабаблари, уларнинг мамлакат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ўрни муаммоси алоҳида, яхлит тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бу эса танланган мавзунинг илмий аҳамиятини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган муассаса илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ

АТД-1 “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: муносабатлар ва қарашлар” (2016-2020) мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XIX аср ўрталари – XX аср бошларида Туркистондаги афғон фуқароларининг фаолияти, турмуш тарзи ва уларнинг минтақа сиёсий, ижтимоий - иқтисодий ҳаётидаги ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мавзунинг тарихшунослик ва манбавий таҳлилини келтириш;

1867-1917 йилларда Туркистон генерал-губернаторлигига афғон фуқаролари миграциясининг сабабларини ўрганиш;

Туркистон аҳолиси таркибидаги афғон этник гуруҳларининг турмуши ва ҳаётига оид маълумотларни ёритиб бериш;

афғон фуқароларининг Туркистон вилоятлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнини очиб бериш;

XIX аср ўрталари – XX аср бошларида афғонларнинг Туркистон ўлкаси сиёсий жараёнларидаги иштирокини тадқиқ этиш;

афғон фуқароларининг Туркистондаги миллий-озодлик курашларига бўлган муносабатига оид маълумотларни ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XIX аср ўрталари – XX аср бошларида Туркистонда яшаган афғон фуқароларининг фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети XIX аср ўрталари – XX аср бошларида Туркистондаги афғон фуқароларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги иштироки ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Таққослаш, мантиқий, муаммовий хронологик таҳлил, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Туркистон аҳолиси миллий таркибида мустамлакачилик сиёсати сабабли “этник озчиликни ташкил қилувчи халқлар” ибораси қўлланила бошланганлиги ва бу тушунча Европадан кириб келган халқларга нисбатан эмас, балки, ерли миллат вакиллари билан тарихан ягона геосиёсий ҳудудда яшаб келаётган халқларга нисбатан ишлатилганлиги, уларнинг тарихига доир воқеалар чуқур таҳлил қилинмасдан масалага бир томонлама ёндашилганлиги далилланган.

Мустамлака даврида Туркистонга кириб келган афғон фуқароларининг миграцияси йўналишлари (Туркистон, Бухоро амирлиги, Хива хонлиги), шакллари (мажбурий, ихтиёрий, мавсумий, мажбурий-ихтиёрий), сабаблари ва уларнинг Туркистон генерал губернаторлиги вилоятлари бўйича ҳудудий жойлашувига дахлдор бўлган маълумотлар асосланган.

Афғон фуқароларининг сиёсий (айғоқчилик, ҳарбий, империялар позициясини мустаҳкамлаш учун хизмат қилиш), ижтимоий (этник таркиби, турмуш тарзи), иқтисодий (савдо – сотик, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги) ҳаёти билан боғлиқ фаолиятига тегишли маълумотлар очиб берилган.

Россия империяси ҳукмрон доираларининг Туркистонда юритган миллий сиёсати ва унинг мазмун моҳиятини афғон ҳукмрон доиралари ва

фуқароларидан маҳаллий аҳоли билан муносабатларда воситачи сифатида фойдаланишдан ташқари, афғонларнинг ўлка миллий озодлик курашларига аралашшини олдини олишда фойдаланишга қаратилганлиги кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Россия империяси мустамлакачилиги даври тарихининг Туркистонга оид саҳифаларини бойитиш, аҳоли миллий таркиби ўзгаришига доир маълумотларни аниқлаш, XIX аср ўрталари – XX аср бошларида афғон фуқароларининг ўлка сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида тутган ўрни билан боғлиқ маълумотларни аниқланган;

Туркистоннинг империя ташқи сиёсий алоқаларидаги ўрни, хусусан, Афғонистон билан олиб борилган дипломатик муносабатлардаги роли асосида давлатлараро алоқаларни амалга ошириш услуб ва воситаларига оид фактлар асослаб берилган;

Россия империясининг Туркистон генерал-губернаторлигидаги афғон фуқаролари тарихига оид ҳужжатлар таҳлил қилиниб, гуруҳларга ажратилган ва илмий муомалага киритилган;

XIX аср ўрталари – XX аср бошларида гуркираб ривожланаётган иқтисодий тараққиёт ва мустамлакачилик сиёсатининг Афғонистон, Ўрта Осиё каби ҳудудларда қўлланилиши ҳамда амалиётга татбиқ этилиши услуб ва воситаларига доир маълумотлар кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги XIX асрнинг ўрталари – XX аср бошларида Туркистонда афғон фуқаролари фаолияти тарихига доир қўйилган масалалар мазмунини очиқ беришда Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви, расмий ҳужжатлар, тарихий асарлар, статистик ҳужжатлар, даврий матбуот материалларидан фойдаланилганлиги, ўрганилаётган мавзуга оид хорижий адабиётларнинг таҳлил қилинганлиги, ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллариининг илмий тадқиқотларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, диссертация мавзуси бўйича асосий натижалар республика ва хориж илмий нашрларида, конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертацияда келтирилган маълумотларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Туркистонда яшаган афғон фуқаролари фаолиятини вилоятлар миқёсида қиёсий тадқиқ этиш, уларнинг ўлка ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнларидаги иштирокени ўрганиш XIX аср ўрталари – XX аср бошларида юз берган сиёсий жараёнлар ва ижтимоий ҳаёт тарихини ёритишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистоннинг Россия империяси мустамлакачилиги даври тарихини ўрганишда, тарихий билимларни ривожлантиришда, Олий ва Ўрта махсус таълим тизимидаги ўқув муассасаларининг ижтимоий- гуманитар йўналишларида мустамлака даври бўйича махсус курслар ташкил этишда, Ўзбекистон тарихига доир ўқув қўлланма ва дарсликларни янги маълумотлар асосида бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XIX асрнинг ўрталари – XX аср бошларида Туркистонда афғон фуқаролари тарихига оид олинган натижалар ва ишнинг илмий янгиликлари асосида:

Халқаро муносабатлар асосларидан бирини илмий ҳамкорлик ташкил қилиб келганлиги ҳисобга олинган ҳолда, Туркистонда истиқомат қилган афғон фуқароларининг юртимиздаги таълим жараёнлари билан боғлиқ маълумотлар ўрганилиб, ундан Самарқанд давлат университетида амалга оширилган ФЗ-202001047 “Ўзбекистонда мадраса таълим тизими электрон порталини яратиш” мавзусидаги лойиҳа ишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, Самарқанд давлат университетининг 2021 йил 27 апрелдаги 10-1229-сон маълумотномаси). Бу юртимиз ҳудудидаги анъанавий таълим даргоҳларининг нафақат ўлкамиз, балки бутун минтақа халқлари учун ҳам хизмат қилганлиги ҳақидаги маълумотларни бойитишга, XIX аср ўрталари – XX аср бошларида Туркистонда яшаган афғон фуқароларининг таълим олиши билан бирга, уларнинг аҳоли ижтимоий ҳаётига таъсирини ҳам ёритиб беришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришга мўлжалланган Давлат Дастури V банди ижросини амалиётга татбиқ этиш, миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида Республика маънавият ва маърифат маркази фаолиятида миллатлараро тотувликни тарғиб этиш масалаларида фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 23 декабрдаги 0202-1114 сонли маълумотномаси). Бу эса кўп миллатли Ўзбекистон халқларининг тарихий алоқалари ҳақидаги маълумотларни янада кенгайтиришга хизмат қилган;

ЎзМТРК “O’zbekiston tarixi” телеканалида эфирга узатилган айрим кўрсатувлар, хусусан, “Тақдимот” кўрсатувининг сценарийларини тайёрлашда диссертация материалларидан фойдаланилган (ЎзМТРК ДУК “O’zbekiston tarixi” телеканалининг 2020 йил 16 сентябрдаги 02-40-851 сонли маълумотномаси). Бу эса XIX аср ўрталари – XX аср бошларида Туркистонда яшаган афғон фуқароларининг минтақа бўйлаб жойлашуви, уларнинг ҳаёти ва турмуши тарихига доир маълумотларни ва уларнинг аҳамиятини кенгрок ёритиб беришга ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий конференция ва семинарларда, шундан 2 та халқаро конференцияда, жумладан, Германия (Берлин, 2020), Туркия (Анталия, 2020) ҳамда 2 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш эълон қилинган. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан, 7 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблигига асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган; тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши ва апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мавзунинг тарихшунослиги ва манбашунослиги”** деб номланадиган биринчи бобида XIX асрнинг ўрталари – XX аср бошида Туркистон ўлкасидаги афғон фаолиятига доир илмий адабиётлар ва манбалар гуруҳларга ажратилиб таҳлил қилинган.

Масаланинг тарихшунослик таҳлиliga кўра, бугунги кунга қадар яратилган мавзуга дахлдор тадқиқотларни даври, тили ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда шартли равишда тўрт гуруҳга: 1. Россия империяси даври тарихшунослиги 2. Совет даври тадқиқотлари. 3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган илмий изланишлар 4. Хорижий тадқиқотларга ажратиш мумкин.

Империя даври тарихшунослиги вакиллари сифатида К.Абаза, М.Грулев, Ф.А.Михаилов, В.О.Новицкий, А.А.Семёнов, В.П.Семёнов-Тяншанский, В.И.Масальский, каби тадқиқотчилар ҳамда уларнинг изланишларини олишимиз мумкин⁴.

Россия империяси Туркистонни забт этганидан сўнг, уни илмий ва географик жиҳатдан ўрганишни бошлади. Шу боисдан бу давр адабиётларида асосан афғонларнинг жойлашувига оид қисқа маълумотлар келтирилган. Бироқ, ушбу давр тадқиқотлари келтирилган маълумотларнинг хусусиятларидан қатъий назар, мавзуни ўрганиш учун бирламчи асос бўлиб хизмат қилади.

Иккинчи гуруҳга оид асарлар совет даврида олиб борилган изланишлар бўлиб, В.В.Бартольд, П.П.Иванов, А.Л.Троицкая, Р.Н.Набиев, Г.А.Хидоятлов, Т.С.Саидкулов⁵ ва бошқа муаллифларга тегишлидир.

⁴Абаза К.Завоевание Туркестана. Санкт-Петербург. 1902. -С.242.//Грулев М. Соперничества России и Англии ва Средней Азии. Санкт-Петербург.: Издательство В. Березовский, 1909.-.380 с.//Михаилов Ф.А.Туземцы Закаспийской области. Асхабадъ.: Тип. К.М.Федорова, 1900.-С.7.// Новицкий В.О. Из Индии в Фергану. Санкт-Петербург.: Типография “Императорский Академии Науки”. 1903. –297 с.,// Семёнов А.А. «Бегство Абдурахмана из Ташкента в Афганистан». Кауфманский сборник. М.:1910.-.247 с.// Семёнов-Тяншанский В.П. Полное географический описание. Изд. Деврина, 1913.-С.875.// Масальский В.И. Туркестанский край. СПб., 1913. Т-19.-413с.

⁵Бартольд В.В. Сочинения. Том-II, часть-1. М. “Восточная литература”. 1963.-1024с.//Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Ленинград, 1927.-С.706.// Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии изд. Восточный литература (XVI-XIX) М. 1958 г.-251с.// Троицкая А.Л. Материалы по истории Кокандского ханства XIX века. “Наука” М. 1969 г.-157с.//Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. Т. Фан. 1973 г.-387с.// Хидоятлов Г.А. Из истории Англо- русских отношения в Средней Азии в конце XIX века (60-70г). Т.

Иккинчи гуруҳ тарихшунослик ишларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг айримларида кўйилган муаммо Туркистондаги афғон фуқароларининг ижтимоий сиёсий ҳаётининг баъзи жиҳатлари, ҳудудлар(вилоятлар) ва соҳалар бўйича қамраб олади.Лекин, мазкур давр адабиётлари маълум мафкура таъсирида яратилганлиги боис мавжуд реалликни ҳолисона баҳолаш имконини бермайди, тарихий жараёнлар муайян даражада бир томонлама қарашларга асосланган.

Учинчи гуруҳга мустақиллик йилларида яратилган илмий тадқиқотлар киради. Бу гуруҳ адабиётлари империя ва совет даври тадқиқотларидан янгича назарий – методологик ёндашувлари ҳамда янгича тадқиқот услублари яратилганлиги билан фарқланади. Бу давр тадқиқотларида Туркистон этник таркиби, миллатлараро муносабатлар, ташқи сиёсий алоқаларда Туркистоннинг ўрни, Туркистон этник гуруҳлари, жумладан, муҳожир афғонлардан империянинг фаол ташқи сиёсатида фойдаланиш, ерли миллат вакиллари билан муносабатларда бошқа миллат вакиллари, шулар қаторида, афғон фуқароларини хизматга жалб қилиш, тарихан ягона геосиёсий майдонда ёнма – ён яшаб келган халқлар ўртасига нифоқ солиб, уларни бир- бирига гиж-гижлаш, кўшни Афғонистондаги жараёнларни ўз фойдасига ҳал этиш мақсадида Туркистон этник таркибидаги афғонлардан фойдаланиш каби ҳолатлар тадқиқот объекти сифатида ўрганилган⁶.Бундан ташқари, мустақиллик давр илмий тадқиқотларида Самарқанд вилоятининг ўрганилаётган даврдаги аҳолисининг ўсиш динамикасида афғонларнинг демографияси⁷, афғонларнинг таълим тизими билан боғлиқ фаолиятлари

“Фан”. 1969.-454с.// Саидкулов Т.С. Самарқанд во второй половине XIX и начале XX вв.Самарқанд 1970 г.-255с.

⁶Зиёев Ҳ.З.Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш.Тошкент,1998.–477 б.//Зиёев Ҳ.З.Ўзбекистоннинг мустақиллик учун курашлар тарихи.Тошкент, Шарк, 2001.-444 б.// Исмаилова Ж.Х. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Тошкентнинг янги шаҳар қисми тарихи. Тошкент, Фан ва технология, 2004.-139 б. //Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент: Шарк, 2000. –367б. //Алимова Д.А., Филанович М.И. Тошкент тарихи. Тошкент, 2009. –191 б.//Алимова Д. таҳрири остида: Ўрта Осиё халқларининг этник тарихи ва минтақа юз берган этник жараёнларнинг манбаларда акс этиши (XVI-XIX аср биринчи ярми).Тошкент, Янги нашр, 2011. –120 б.//Аҳмаджонов Ғ. Россия империяси Марказий Осиёда.Тошкент.: 2003.-270 б.//Саидов И.М., Хайтов Ш.А. Хориждаги ўзбеклар тарихи ва этнографияси. Самарқанд.2015.-160 б.//Дониёров А.Х., Бўриев О., Аширов А.А. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи.Тошкент, “Янги нашр”, 2011.-315б.//Дорошенко Т.И.Краткий этнодемографический очерк Ташкента конца XIX - начала XX века. Тошкент шахрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган Халқаро илмий конференция материаллари Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. «Фан» нашриёти. 2009.-Б.270-275. //Nazarov N.Afg'onistonlik o'zbeklar. Тошкент,2011.-127 б. //Эргашев Б.Э. “Исхакхан - Историческая судьба. Россия-Узбекистан: История и современность част VII.- Москва, 2009. –С.73-74.// Кабулов Э.А. “Место долины Сурхан в торговых сношения Россия с Восточным странами”.- Электронный научный журнал “Универсум”, Общественный науки.: 2015 №1-2.// Маннонов А.М., Абдуллаев Н.А., Рашидов Р.Р. Афғонистон тарихи.Тошкент, 2008.-344 б.

⁷Курахмедов А.Э. Экономическая и культурная жизнь Самаркандской области второй половины XIX- начала XX вв. Автореф.дис.канд.ист.наук.Ташкент 2001.–28 с.// Жабборов М.Р. Освещение истории Ферганской области в «Туркестанском сборнике».Автореф.дис.канд.ист.наук.Ташкент,2000–28 с.//. Хатамов З.Х. Туркестанский сборник как источник изучения истории Афганистана. Автореф. дис. канд. ист. наук. – Ташкент, 1993.– 26 с.//Ирискулов О.Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд шаҳрида ижтимоий – иқтисодий ва маданий жараёнлар.// Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати.Самарқанд 2019.-50 б.

келтирилган⁸. Империянинг кўчириш сиёсати⁹ ва ижтимоий қатламлар таркибининг кенгайиши¹⁰ ҳамда афғонлар фаолияти билан боғлиқ топонимлар ҳам тадқиқотларда ўз ифодасини топган¹¹. Афғонистон тарихи ва афғонлар фаолияти билан боғлиқ тадқиқотларнинг илмий таҳлилига кўра, муаммонинг кўпроқ сиёсий жиҳатларига эътибор қаратилганлиги бугунги замонавий тадқиқотларда ўз ифодасини топди¹².

Тўртинчи гуруҳ изланишларини хорижда яратилган тадқиқотлар ташкил этади. Хориж тарихшунослигида Туркистоннинг XIX аср ўрталари–XX аср бошларидаги этник таркиби, хусусан, ундаги афғон диаспорасига дахлдор маълумотлар келтирилади. Афғон фуқароларининг генерал-губернаторлик даврига оид фаолиятлари билан боғлиқ маълумотларнинг XIX асрданок берилганлиги муаммонинг долзарблик даражасини оширади. П.Сайкес, Ф.Мартенс, К.Нейманн, А.Миддендорф, К.Риттер, Ҳ.Вернер, Ж.Швагерларнинг илмий изланишлари шундай маълумотлар сирасига киради¹³. Ўзбекистоннинг XX–XXI аср тарихига доир амалга оширилган хорижий тадқиқотларда ҳам ўрганилаётган мавзуга дахлдор жиҳатлар даврийлик нуқтаи назаридан тадқиқ қилинган¹⁴.

Тадқиқотнинг манбавий асослари таҳлилига кўра, афғонларнинг Туркистонда XIX асрнинг иккинчи ярми–XX аср бошларидаги фаолиятини ёритиш учун манбаларни хусусиятларига кўра тавсифлаш мумкин. Минтақа давлатларининг ўзаро муносабатларини разведка нуқтаи- назаридан ўрганишга, аҳоли этник таркибини, турмуш тарзини, моддий ҳаётини ёритишга дахлдор бўлган статистик тўпламлар, буйруқлар, қарорлар, ҳисоботлардан иборатдир. Яъни, тадқиқот жараёнига тортилган манбаларни империя даври илмий тадқиқотлари архив фондлари хужжатлари(И-1,И-2,И-

⁸Муҳиддинов С.И. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти маорифи. // Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд 2019.-50б.

⁹Гофоров Ш.С. Переселенческая политика Российской Империи в Туркистане (вторая половина XIX – начало XX веков): Дисс. док.ист. наук. – Ташкент, 2003. – 276 л.

¹⁰Нормуродова Г.Б. Социальные страты Самаркандской области в конце XIX начале – XX века: исторический анализ Автореф. дис. канд. ист. наук. – Ташкент, 2011 –28 с.

¹¹Турсунов С., Умаров И., Пардаев Т., Холманова Ф., Турсунов А., Махмадиярова Н., Нарзуллаева Н. Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг тарихи. Термиз. “Сурхон- нашр” нашриёти. 2017 й. –351б.

¹²Doniyorov A. Markaziy Osiyo xalqlari tarixshunosligi. Toshkent. NIF MSH, 2020.-444б.

¹³Brig-gen sir Persey Sykes. The History of Afghanistan. London.: Macmillan & Go. LTD, 1940.- 442. p.//Мартенс Ф.Ф. Россия и Англия в Средней Азии. Санкт-Петербург.: Издание книгопродавца “Эмиль Гартъе”, 1880. – С.91.// Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганское Долина. Перевод с немецкого языка. В. П. Ковалевского. - Изд. Императорской Академия Наука. 1882.-60бс.//Нейманн К.Ф. Афганистан и Англичане. М. Типография Гартъе, 1848.-186 с.//Риттер К. Кабулистан и Кафиристан. Санкт-Петербург.: Типография им. Федорова и Ком. Вас. Остр., 8 линия, №. 45.1867.-1051с. Hentig Werner Otto von. Von Kabul nach Shanghai. Bericht über die Afghanistan-Mission 1915/16 und die Rückkehr über das Dach der Welt and durch die Wusten Chinas. Hrsg. Hans Wolfram von Hentig. Konstanz, Libelle, 2003.-148 L.// Schwager J. Die Entwicklung Afghanistans als Staat und seine Zwischenstaatlichen Beziehungen. InauguralDissertation zur Erlangung der Doktorwurde einer Hihen Rechts- und Wirtschaftswissenschaftlichen Fakultat (wirtschaftswissenschaftliche Abteilung) der Eberhard-Karls-Universität zu Tübingen. Universitätsverlag von Robert Noske in Borna. Leipzig, 1932.-205 L.

¹⁴Абдуллаев К.Н. От Синьзяна до Хорасана. Из истории Средно-Азиатских эмиграции XX века. Душанбе.: Ирфон, 2009.-572 с.// Глушенко Е.А. Россия в Средней Азии: Завоевание и преобразование. “Центрполиграф, 2010.// Гайсина Л.Р. Вестник Томского государственного Университет. №354. 2012 январь// Аристов А. Труды по истории и этническому состав тюркских племен. Бишкек. 2003. –375 с.// Панин С.Б. Джемшиды. Миграционный процесс в Русско – Афганско отношениях в первый десятилетия XX в. Восток. 2014гг. №5.- С.46.//Шкунов В.Н. Известия Самарского научного центра Российской академии наук. Т.10. №4.2008// Тишков В.А. Расы и народы. М. Наука. 2001. –265с.

461,И-715), ҳарбий губернаторлар ҳисоботлари, статистик тўпламлар, мемуар асарлар, маҳаллий тарихчиларнинг асарлари¹⁵, даврий матбуот материаллари¹⁶ ташкил этади.

Мазкур статистик тадқиқотларда бир ёқламалик, яъни Россия империясининг Туркистондаги ҳукмронлигини мустаҳкамлаш ва уни узоқ муддат ўз қўлида сақлаб туриш мақсади кўзга ташланади. Бу даврда амалга оширилган статистик тадқиқотлар бошқарув аппаратининг юқори инстанциялари кўрсатмаси асосида амалга оширилганлиги натижасида кўпгина фактлар ўз асл мазмунидан келиб чиқиб таҳлил этилмаган ёки оммага ошқор қилинмаган. Бу ҳолатлар айниқса вилоят губернаторларига юборилган кўрсатмалар ва уларнинг йиллик ҳисоботларида яққол кўзга ташланади. Шу боисдан ҳам муаммони ўрганишда холислик мезонларига амал қилиб илм-фанга татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Миллий архив ҳужжатлари ҳамда империя даврига оид манбалар таҳлили ўрганилди.

Тадқиқотнинг **“Афғонларнинг Ўрта Осиёга кўчиш сабаблари ва унга таъсир кўрсатган тарихий-сиёсий омиллар”** деб номланган иккинчи боби иккита параграфдан иборат бўлиб, биринчи параграф **“Афғонларнинг Ўрта Осиёга миграцияси сабаблари”** деб номланади. Унда афғон халқлари ва уларнинг мамлакатимиз ҳудудига кириб келиши сабаблари ўрганилган. Жараёнда дастлаб “Афғон” халқлари таркиби тўғрисида фикр билдириш лозим. Афғон термини Афғонистоннинг туб халқига нисбатан ишлатилган атама бўлиб, бугунги кунда ҳам худди шу мазмунда ишлатилиб келинмоқда. Афғон терминига нисбатан 1. Афғонистоннинг туб халқи, 2. Нола, фарёд қилувчи маънолари келтирилиб ўтилган¹⁷. Афғон халқларининг асосини Пуштун¹⁸лар ва маълум бир қисмини форсий тилда сўзлашувчи аҳоли ташкил этиб, уларга нисбатан ҳозирда ҳам афғон этноними қўлланилади. Пуштунлар

¹⁵Агеҳи Мухаммад Риза. Цветник счастья.Гулшани Давлат. Рукопись ИВ АН.В.1891.(перев. П.П.Иванова) Текст воспроизведен по изданию: Материалы по истории туркмени и Туркмении.Т.2.Москва. Институт Востоковедения.1938. -38 с.// Агеҳи Мухаммад Риза.Сады благополучия. Рязь-уд-дауле. Рукопись ИВАН №Д 123(590 ос) —47 с.//Агеҳи Мухаммад Риза.Собрание султанский события-Джами – ул вақыати султани. Рукопись ИВ АН.В. Е6.(перев.З.Аксакова Текст воспроизведен по изданию: Материалы по истории туркмени и Туркмении.Т.2.Москва. Институт Востоковедения.1938.-С.14.// Дониш Ахмад.Истории мангитский династии.(пер. А.Наджафовой) изд. «Дониш».Душанбе.1967.-141с.//Мухаммад Азиз Марғинойий. Тарихи Азизий.Т. Маънавият.1999.-111б.// Мирзо Олим Махдумхожи.Тарихи Туркистон. Тошкент. “Янги аср авлоди” 2009.-241б.// Вамбери А. “Путешество по Средней Азии”.- М.: Восточный литературе, 2003. –193б.// Исхоқхон Ибрат. Тарихи Фарғона. Тошкент,Камалак, 1991. –335 б.//Мирза Салимбек. Тарихи Салимий.-1986.

¹⁶Туркестанский ведомости. 1871.1872.1895 йил сонлари.

¹⁷Мадвалиев А. Ўзбек тилининг изоҳли лўғати.Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. А-ҳарфи.2015.-Б.119.

¹⁸Пуштунлар аҳолининг аксарият қисми бўлиб, улар ўзларини Қайс авлодлари деб ҳисоблайдилар ва ўз мавқеларини мустаҳкамлаш учун Қайс Мухаммад пайғамбарнинг замондоши бўлиб, Исломи қабул қилган дастлабки мусулмонлардан бўлиши билан бир қаторда, динни ёйиш учун катта ҳисса қўшган шахслардан бири деб даъво қиладилар. Шундай қилиб, улар ўзларини бошқа этник гуруҳлар орасида устунлигини таъкидлайдилар, чунки улар ўзларини биринчи мусулмонлардан бири деб билишади.Пуштунларнинг энг таъсирчан қонун бўлиб, - бу қонун Пуштунвали деб аталади ҳамда у фақат Пуштунларга хосдир. Ушбу қонун ҳеч қаерда ёзилмаган, аммо у Пуштунларнинг жамиятдаги хатти-ҳаракатлари ва таъсирнинг тақсимланишини таъминлайди.Пуштунвалидаги асосий учта устун - Нанг (шараф), мелмастия (мехмондўстлик), бадал (қасос) - булар энг қатъий қондалардир.Бугунги кунда пуштунларнинг 60 та қабиласи ва 600 га яқин уруғлари мавжуд. Yandex.ru.Vikipediya.

аҳоли таркибида кўпчиликни ташкил қилиши сабабли бошқа афғон қабилаларига нисбатан гегемонияни талаб қилишади¹⁹.

Афғонларнинг Туркистон заминига кириб келиш сабаблари сифатида тадқиқот натижасида қўйидаги жиҳатлар аниқланди²⁰.

Биринчидан, алоқаларнинг бошланиш ва ривожланиш жараёни иқтисодий, хусусан, савдо алоқалари натижаси эди. XIX аср охирида Ўрта Осиё – Афғонистон, хусусан, Бухоро – Афғонистон алоқалари Бухоро- Балх- Қобул, Бухоро – Маймана, Бухоро – Қарши – Шибирғон- Ҳирот савдо йўллари орқали давом эттирилиб, ушбу йўлларда 200-300 та туядан иборат савдо қарвонлари мунтазам қатнаб турган²¹. Лекин савдо божлари мазкур даврда Бухоро амирлигининг Россия империяси божхона тизимида киритилганлиги ва империячилик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амирлик ғазнасига туширилмаган.

Иккинчидан, афғонларнинг Туркистонга кириб келиш сабаби сифатида турмуш даражасининг оғирлашуви натижасида қўшни мамлакатлардан иш излаши эди. Ўзбекистон Республикаси Миллий Архиви ҳужжатларида иқтисодий қийинчиликлар сабабли арзон ишчи кучи сифатида афғон фуқароларини вилоятга киритиш таклиф этилади²². Лекин империя ҳукумати сиёсий талаблардан келиб чиққан ҳолда ва афғон фуқароларини назорат қилиш мақсадида уларни рўйхатга олиш ишларини ҳам йўлга қўйган. Унга кўра, афғон фуқаролари Каспийорти вилоятига кирганидан сўнг яшаш гувоҳномасини олиши ва чегарадан 2 милядан то 12 милягача узоқ масофада яшаши лозимлиги уқтирилади. Каспийортига кирган афғонлар фуқаролик олгач, гувоҳномасиз ёки ёзма рухсатсиз чиқарилмаслиги таъкидланган²³.

Учинчидан. Туркистон этник таркибига афғонларнинг келиб қўшилиш сабабларидан яна бири диний омил бўлиб, диний муштараклик ва ҳаж зиёратига бориш эҳтиёжи деб изоҳлаш мумкин.

Тўртинчидан, ҳарбий соҳа ва у билан алоқадор жиҳатлар²⁴.

Бешинчидан, афғонларнинг Ўрта Осиёга, хусусан, Хива хонлигига кириб келиши омили сифатида Афғонистондаги XIX асрдаги ички беқарорликни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I нинг Афғонистондаги ички сиёсатга аралашгани фикримиз далилидир²⁵.

¹⁹Jonathan Lee. Afghanistan: A History from 1260 to the Present. uzanalytics.com.

²⁰Афғонларнинг Ўрта Осиёга кириб келиш сабаблари диссертациянинг II бобида кенгайтирилган ҳолда ёритилган.

²¹Ҳайтов Ш., Раҳмонов К., Аҳмадов О. Бухоро ва Бухорийларнинг жаҳоний шуҳрати. Тошкент. “Наврўз”. 2020. -27 б.

²²Ўз. МАФонд. И-1, рўйхат-4, иш-1641, в.2.

²³Ўз. МАФонд. И-1, рўйхат-4, иш-1641, 2- орқа варақ.

²⁴Дастлаб Фарғона водийсини ўз ичига олган Қўқон хонлиги ҳарбийлар орасида афғон аскарларини тилга олиб ўтади. XIX аср бошларида Қўқон хонлигида ўтказилган ҳарбий ислохот ва унинг натижасида жорий этилган янги турдаги қўшинда (Аскария) афғон этник қатлами ҳам хизмат қилиши, уларга бугунги кунда лейтенант унвонига тўғри келувчи “Джамадар афган” ёки “Джамадар Кобулий” деган тушунчани ишлатади. Бейсимбиев Т.К. Тарихи – Шахрухи как исторический источник. Алмата. “Наука” 1987 г. –С. 81.

²⁵Арандаренко Г.А. “Досуг в Туркестане (1874-1889)”. СПб. Типография М. М. Стасюлевич. 1889 г. –С.116.

Олтинчидан, афғонларнинг Бухоро амирлигига кириб келишига кул савдоси ҳам муайян даражада хизмат қилган²⁶.

Еттинчидан, Афғонистон ва Россия империяси ўртасидаги келишмовчиликлар сабабли афғонларнинг Туркистон, айниқса Каспийорти вилоятида амалга оширган кенг қамровли айғоқчилик фаолияти²⁷.

Саккизинчидан, таълим олиш мақсадлари ҳам афғонларнинг юртимизга кириб келишига асосий сабаблардан бири бўлган. Бухоро амирлиги мадрасаларида азалдан таълим олиш учун келган афғон талабалари фаолият юритган²⁸. Самарқанд шаҳридаги Шайбонийхон мадрасасининг доимий талабалари орасида афғон фуқаролари ҳам бўлганлиги тадқиқотларда ўз ифодасини топган²⁹.

Тадқиқотнинг **“Афғонларнинг Туркистонга кириб келиш жараёнлари ва ҳудудлар бўйлаб жойлашуви”** деб номланган параграфида уларнинг ҳуқуқий мақомлари ва Туркистондаги ҳудудий жойлашувлари тарихи баён қилинади. Туркистондаги афғонларнинг фуқаролик ҳолати юзасидан уларда фуқаролик тушунчаси бўлмаган деган фикр ҳам мавжуд. Лекин ҳуқуқшуносликда фуқаролик ҳолати бўйича қуйидаги тушунча истеъмолда фойдаланилади. “Фуқаролик ҳуқуқи 2 хил йўл билан шакллантирилади. 1. Туғилган жой асосида, 2. илтимос асосида³⁰. Туғилган жой асосидаги фуқаролик тушунчаси- бошқа жойда яшасада, лекин фуқаро ўзини туғилган жойига нисбатан тегишли ҳисоблаши тушунилади. Илтимос асосидаги фуқаролик ҳолати эса шахснинг ўзга мамлакат фуқаролигини олиш учун ёзма муурожаати асосида шаклланади³¹”. Филиация нуқтаи назаридан олганда, Туркистон афғонларига нисбатан фуқаро терминини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари Туркистон афғонларида фуқаролик олиш учун илтимос ҳолатлари ҳам бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида мамлакатимиздаги афғонларнинг фуқаролик ҳолати бўйича апатрид, бипатрид³² ва фуқаролиги бўлмаган шакллари бор эди³³.

Ўрганилаётган даврда Бухоро амирлигининг турли қишлоқ ва шаҳарларида истиқомат қилган афғон фуқаролари асосан эроний тилда сўзлашиб, амирлик жами аҳолисининг 0,4 % ни ташкил этган³⁴. Афғон фуқаролари мамлакатда этник жиҳатдан озчиликни ташкил этсада, ҳарбий жараёнлардаги иштироклари сабабли етарли даражадаги мавқей ва рутбага эга

²⁶Файзиев Т. “Бухоро хонлигида кул савдоси”. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1970.-566.

²⁷Ушбу ҳолат диссертациянинг 3.1 бобида талқин қилинган.

²⁸O'zbekiston tarixi T.2005.(www.ziyouz.com)-255 б.

²⁹Муҳиддинов С. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти маорифи. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд 2020.-Б.17.

³⁰Филиация-(логинча Filiatsiya сўзидан олинган бўлиб, мансублик деган маънони англатади)- туғилган жойига нисбатан фуқаролик ҳолати. 2. Натурализация-(инглизча Naturali сўзидан олинган бўлиб, фуқаро ёки солиқ туловчи деган маънони англатади) илтимос асосидаги фуқаролик ҳолати. Yandex.ru. QOMUS. INFO - onlayn ensiklopediyasi.

³¹Yandex.ru.QOMUS.INFO-onlayn ensiklopediyasi.

³²Апатрид- бир фуқаролик ва кўчиб келган давлатига нисбатан фуқаросизлик, бипатрид-икки фуқаролик. Бипатрид шакли 1930 йил Гаагада қисқартириш бўйича келишув имзоланган бўлсада, бугунги кунда ҳам бу шакл истеъмолда.

³³Yandex.ru.QOMUS.INFO-onlayn ensiklopediyasi.

³⁴Семёнов- Тяньшаньский В.П. Полное географический описание. Изд.Дервина. 1913. –С.875.

бўлган. Афғонлар миграциясининг ижобий хусусиятларидан бири – бу Туркистон халқларининг турмуш тарзига хос белгилардан афғонлар ҳам фойдалана бошлаганлигидир. Сув ва қўл тегирмонларидан фойдаланиш, қуритилган сут тайёрлаш³⁵, иситиш тизими³⁶, диний ва таълим соҳалари³⁷ даги маданий алмашинувлар фикримизга мисол бўлади.

Фарғона вилояти ҳудудидаги афғонлар манзилгоҳлари бўйича маълумотларни солиқ ҳужжатларидан ҳам аниқлаш мумкин. Қўқон хонлигидаги Афғон боғи ва 17 та солиқ йиғиштирилувчи қишлоқлар орасида, Афғон қишлоғи³⁸нинг келтирилиб ўтилиши фикримиз исботидир³⁹. Фарғонада водий ҳудудида яшаган циган⁴⁰ларни ичида “афгани” номи мавжудлиги⁴¹ тўғрисидаги маълумотлар муаммо юзасидан аниқ тадқиқот ўтказилмаганлигини англатади.

Самарқанд вилояти тарихига доир статистик тўпламларда, жумладан, Самарқанд шаҳри аҳолисини 1892 йил 28 ноябрдаги рўйхатга олишда шаҳарнинг ҳозирги вокзал қисмида бир нафар афғон фуқароси қайд этилганлиги келтирилади⁴². Ҳужжатларда келтирилишича, ўрганилаётган даврда Самарқанд ва унинг уездларида жами 305 та афғон яшаган⁴³. Афғонлар демографиясига оид маълумотлар 1904 йил вилоят статистикасида 0,010 % деб кўрсатилган⁴⁴. Дипломатик амалдор А.Камельников Самарқанддаги афғонлар этник таркиби бўйича ва Самарқанд ҳарбий губернаторининг 1908 йил 27 сентябрдаги Туркистон генерал-губернаторлигига юборган маълумотномасига асосланиб (№652 сонли маълумотнома) Самарқандда ҳозирги вақтда 5 та жамшид уруғи хони 7 нафар хизматкори билан яшаганлиги тўғрисидаги маълумотни келтиради. Қўшимча равишда Кушқадан 2 та афғон беклари ўзларининг 20 та хизматкори билан келиши кутилаётганлиги генерал губернаторлик маҳкамаси ҳужжатларида қайд этиб ўтилган⁴⁵. Афғонларнинг сони билан боғлиқ маълумотлар аниқ рақамни бермайди. Чунки доимий яшамайдиган, вилоятга келиб кетувчи афғонлар ҳам бор эди. Самарқанд ҳудудидаги афғон фуқароларининг сони бўйича сўнги умумлаштирувчи маълумотлардан бири сифатида - 1916 йил 1- январь ҳолатига кўра,

³⁵ Народы передней Азии. Этнографические очерки. Под редакцией С.П.Толстова. Академии Наук ССР. Москва. 1957.-С.64.

³⁶Неразик Е.Е., Жилина А.Н. Жилище народов Средней Азии и Казахстана. Изд. “Наука”.Москва.1982.-С.93.

³⁷Муҳиддинов С. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти маорифи. Диссертация автореферати.-Б.17.

³⁸Афғонлар фаолияти билан боғлиқ топонимикалар Турсунов С.,Умаров И., Пардаев Т.,Холманова Ф.,Турсунов А., Махмадиярова Н., Нарзуллаева Н. тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Турсунов С.,Умаров И., Пардаев Т.,Холманова Ф.,Турсунов А., Махмадиярова Н., Нарзуллаева Н. Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг тарихи.–3516.

³⁹Троицкая А.Л.Материалы по истории Кокандского ханства XIX века.изд. “Наука” М.1969.-С.9.

⁴⁰Циган атамаси маҳаллий халқ вакиллари томонидан лўли, мўлтони каби шаклларда ҳам ишлатилган.

⁴¹История народов Узбекистана. Издательство научной академии УзССР. Т.1947. - 900 с.

⁴²“Справочная книжка Самаркандской области”. Выпуск I. Самарканд. Типография Штаба войск Самаркандской области.1893. Составил М. Вирский. – С.92.

⁴³Ўз. МА. Фонд.И-1, рўйхат-11, иш-1521 , в.4.

⁴⁴Обзор самаркандской области за 1904 год.Самаканд.Типография “Трудь”.1905.-С.41.

⁴⁵Ўз.МА Фонд И-1,рўйхат-3,иш-913, в.37.

Самарқандда 36 нафар, Каттакўрғонда 6 нафар афғон миллатига мансуб шахслар яшаган⁴⁶ деган маълумотни олишимиз мумкин.

Илмий тадқиқот ишининг **“Туркистон генерал губернаторлигидаги афғон фуқаролари фаолияти тарихи”** деб номланган учинчи бобида Каспийorti, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона вилоятларида яшаган афғонларнинг Туркистон сиёсий, ижтимоий – иқтисодий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ фаолиятлари кўрсатиб берилган. Бобнинг биринчи қисмида Самарқандда яшаган афғонлар фаолияти ёритилган. Мазкур даврда хиндлар, афғонлар, циганлар, яхудийлар Самарқанд аҳолисининг 1/20 қисмини ташкил қилган⁴⁷. Самарқанддаги афғонларнинг бошқа вилоятдаги афғонлардан асосий фарқи уларни маълумотларда кўпроқ сиёсий фаолият билан боғлиқ ҳолда тилга олинишидир. Бундай сиёсий фаолият сардор Абдурахмон⁴⁸, Исҳоқхон, Исмоилхон, Муҳаммад Сафар, Муҳаммад Азизхон, Муҳаммад Муҳсинхон⁴⁹, Муҳаммад Сарвархон, Абдул Қуддусхон ва Абдул Ғиёсхонлар⁵⁰, Ҳабибуллахон, Насруллахон, Муҳаммад Афзал-джанхон⁵¹, Аҳмад Али Ялангтушхон⁵² каби шахзода ва уруғ бошлиқлари номи билан боғлиқдир. Уларнинг фаолияти иқтисодий фаолият ниқоби остида сиёсий аҳамият касб этганлигини тарихий фактлар асослаб турибди.

Россия империясини ташвишга солаётган масала Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатларига минтақада яшовчи афғон фуқароларининг аралашishi эди. 1898 йилги Андижон кўзғолони вақтида Туркия ва Афғонистон ҳукмдорларининг исёнга ўз муносабатини билдириши подшо ҳукуматини чўчитиб кўйди. Шу сабабли Самарқанддаги Амир Исҳоқхон ва унинг оиласини қуролсизлантириш тўғрисида генерал-губернаторлик маҳкамасининг қарори чиққан⁵³. Чунки афғон фуқаролари томонидан содир этилган жиноятларда уларнинг ўқ отар қуроллар билан қуролланганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Зарафшон округи суд бўлимининг 1877 йил 12 октябрдаги кўрсатмасига кўра маҳаллий аҳоли уйларига босқин қилган афғонларда шашка ва пистолетлар бўлиб, улар Самарқандда яшаётган сардор Абдурахмонга афғон фуқаролари қурол етказиб турган⁵⁴.

Тадқиқотнинг **“Фарғона ва Сирдарё вилоятидаги афғон фуқаролари фаолиятининг ўрганилиши”** деб номланган 2 қисмида Фарғона ва Сирдарё вилояти афғонлари демографияси, ижтимоий- иқтисодий ҳаётига оид маълумотлар келтирилган. Жумладан, 1897 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш жараёнида афғон миллатига мансуб кишиларни туркий тилда

⁴⁶Зарубин И.И. Население самаркандской области. (ЕГО ЧИСЛЕННОСТЬ, ЭТНОГРАФИЧЕСКИЙ СОСТАВ И ТЕРРИТОРИАЛЬНОЕ РАСПРЕДЕЛЕНИЕ). Ленинград. 1926. – С.11.

⁴⁷Хорошхин А.П. “Сборник статей касающихся до Туркестанского края”. СанктПетербург. Типография и хромолитография А. Траншева. Стременная. № 12. 1876.-215 с.

